

# НОРМА МАСЛАХАТЧИ

## ҲУҚУҚ СОЛИҚЛАР БУХГАЛТЕРИЯ

2005 йил июлдан чиқа бошлаган

Қонунчиликдаги янгиликлар

## ЯНГИ ҲУЖЖАТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТАМИЗ

Мазкур ва бошқа ҳужжатларнинг тўлиқ матни билан [www.pogta.uz](http://www.pogta.uz) сайтидаги эркин кириладиган «Қонунчиликдаги янгиликлар» рукнида танишиб чиқишингиз мумкин.

### ТАДБИРКОРЛАРГА ҚЎШИМЧА РАҒБАТЛАР

резидентнинг 2011 йил 25 августдаги «Бюрократик тўсиқларни бартараф этиш ва тадбиркорлик фаолияти эркинлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» ПҚ-1604-сон қарори билан 2011 йил 1 сентябрдан бошлаб ҳукумат қарорлари билан белгиланган тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги 50 та рухсат бериш тусидаги ҳужжатларнинг амал қилиши бекор қилинди, шу жумладан: **капитал қурилиш соҳасида – 4 та, ер остидан фойдаланиш соҳасида – 5 та, табиатдан фойдаланиш соҳасида – 1 та, ишлаб чиқариш соҳасида – 1 та, ташқи иқтисодий фаолият соҳасида – 5 та, автомобил йўли, дарё ва ҳаво транспорти соҳасида – 18 та, савдо ва умумий овқатланиш соҳасида – 5 та ва қолган соҳаларда – 10 та.** Давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларига қонун ҳужжатларида назарда тутилмаган рухсатномалар ва рухсат бериш тартибларининг янги турларини жорий этиш тақиқланди.

Вазирлар Маҳкамасига Адлия вазирлиги иштирокида идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни пухта хатловдан ўтказиш ҳамда бозор ислохотларини янада чуқурлаштириш ва иқтисодий либераллаштиришга доир замонавий шарт-шароит ва талабларга жавоб берадиган, тадбиркорлик фаолияти эркинлигини чеклайдиган рухсат бериш тартибларини бекор қилиш тўғрисида қарор қабул қилиш топширилди.

Қарор билан қуйидагилар белгиланган: **2011 йил 1 октябрдан бошлаб** кичик саноат ишлаб чиқаришларини жойлаштириш учун ер участкаларини ажратишга доир мунозабатларнинг ваколатли органлар томонидан кўриб чиқиш ва келишиш муддати **1 ойдан ошмаслиги шарт;**

маҳаллий давлат ҳокимияти органлари Давлат мулки қўмитаси билан биргаликда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг давлат мулки бўлган, **вақтинча бўшаб ётган ва ишлатилмайдиган хоналарни** уларда ишлаб чиқариш объектларини жойлаштириш учун **ижарага бериш** бўйича мунозабатларини **7 кун** мобайнида кўриб чиқишнинг таъминлашга мажбурдирлар;

**рухсат этувчи ҳужжатларни бериш муддати** тадбиркорлик субъектлари энди ариза берган вақтдан бошлаб, **30 иш кунидан ошмаган ҳолда** чегараланади (Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган алоҳида хусусиятли фаолият турлари бундан мустасно) ва «бир дарча» тамойили бўйича амалга оширилади.

**1 октябрдан бошлаб** товарлар, ишлар ва хизматларни экспорт қилувчи микрофирмалар ва кичик корхоналар учун давлат божхона хизмати органларида **экспорт контрактларини ҳисобга қўйиш** товарларни божхона расмийлаштируви жараёнида бевосита **божхона постларида амалга оширилади** (Президентнинг 1997 йил 10 октябрдаги ПФ-1871-сон Фармони билан тасдиқланган рўйхатга мувофиқ хом ашё товарлари экспортидан ташқари), «бир дарча» тамойилини

бошқичма-бошқич жорий этиш эса божхона расмийлаштируви, декларация қилиш, сертификатлаштириш, санитария-эпидемиология назорати ва товарларни божхона расмийлаштируви жараёнида қатнашадиган бошқа ташкилотлар фаолиятини бир вақтнинг ўзида амалга оширилиши таъминлайди.

Товарларни экспорт қилишда тўланадиган **божхона расмийлаштируви йиғимларининг амалдагига қараганда ўртача 2 маротабага камайтирилган янги ставкалари** тасдиқланди.

Ҳужжатга мувофиқ, «Ўзтадбиркорэкспорт» иxtисослаштирилган ташқи савдо компанияси кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига уларнинг товарларини тўғридан-тўғри экспорт қилиш шартномалари бўйича, шунингдек хорижда ташкил этиладиган савдо уйлари орқали сотишда кўмаклашди; амалдаги шартномалар гарови асосидан экспортдан олдинги молиялаштиришни ташкил этади; республикада ишлаб чиқарилмайдиган технологик асбоб-ускуналар, эҳтиёт қисмлар, бутловчи буюмлар, хом ашё ва материалларни етказиб беради; экспорт маҳсулотларини сертификатлаштиришда, реклама тадбирларини ўтказиш, халқаро ярмаркалар ва кўргазмаларни ташкил этиш ва қатнашишда кўмаклашди.

Бундан ташқари, эндиликда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун хориждан хорижий валюта тушуми тушиши **60 банк кунидан кўпроқ** кечиккандагина кечикканлик учун жарима қўлланилади (*қолган резидент юридик шахслар учун умумбелгиланган муддат аввалгидек 30 банк кунидан иборат*).

Шунингдек, агар олдин резидент юридик шахслар келиб тушмаган валюта тушумининг 100 фоизи миқдоридан жарима тўлаган бўлсалар, эндиликда жарима миқдори валюта тушуми кечиккан муддат таъсир қилади. Чунончи, валюта тушуми тушиши белгиланган муддатдан 180 кунгача кечикканда тушмаган валюта маблағлари суммасига нисбатан 10 фоиз эквивалентида, 180 кундан 365 кунгача кечикканда – қўшимча равишда 20 фоиз эквивалентида, 365 кундан ортиқ муддатга кечикканда – қўшимча равишда 70 фоиз эквивалентида жарима тўланади.

### АКАДЕМИЯ УНИВЕРСИТЕТГА АЙЛАНДИ

Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 22 августдаги 239-сон қарори билан «Г.В. Плеханов номидаги Россия иқтисодий академияси» олий касб таълими давлат таълим муассасасининг Тошкент шаҳридаги филиали номи «Г.В. Плеханов номидаги Россия иқтисодий университети» олий касб таълими Федерал давлат бюджети таълим муассасасининг Тошкент шаҳридаги филиалига ўзгартирилди.

Белгиланишича, филиалга абитуриентлар қабул қилиш, шунингдек филиал битирувчиларини аттестациядан ўтказиш университети томонидан белгиланган тартибда ва муддатларда амалга оширилади (*олдин абитуриентларни қабул қилиш Ўзбекистон олий ўқув юртлари учун белгиланган тартиб ва муддатларда амалга оширилган*).

Бакавлрлар тайёрлаш дастури бўйича ўқитиш учун филиалга ҳар йили қабул қилинувчилар 150 кишини, магистрлар тайёрлаш дастури бўйича эса – 75 кишини ташкил этади (*олдин мос равишда 100 ва 50 кишини ташкил қилган*).

### ДАВЛАТ ҒАМХЎРЛИГИ

Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 23 августдаги 240-сон қарори билан **Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг тиббий-ижтимоий муассасалари тўғрисидаги**, хусусан, «Саховат» кексалар ва ногиронлар учун интернат уйлари; «Мурувват» ногиронлар учун интернат уйлари; «Мурувват» ногирон болалар учун интернат уйлари; Кексалар ва ногиронлар, уруш ва меҳнат фахрийлари учун санаторийлар; Уруш ва меҳнат фахрийлари учун республика пансионати тўғрисидаги **низомлр тасдиқланди**.

Ўқорида кўрсатиб ўтилган муассасалар давлат тиббий-ижтимоий муассасалари ҳисобланиб, улардаги васийликка олинганларнинг таъминоти тўлиқ давлат таъминоти асосида амалга оширилади.

Низомларда васийликка олинган шахсларни қабул қилиш ва чиқариш, уларни тиббий-ижтимоий таъминлаш масалалари, юқорида келтирилган муассасаларни барпо этиш ва фаолиятини ташкил қилиш масалалари, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, шунингдек уларга юклатилган вазифалар ва функциялар тартибга солинган.

«Саховат» ва «Мурувват» интернат уйлари, кексалар ва ногиронлар, уруш ва меҳнат фахрийлари учун санаторийлар; Уруш ва меҳнат фахрийлари учун республика пансионати фаолиятини тасдиқланган Низомлар талабларига 3 ойлик муддат ичида мувофиқлаштириш режалаштирилган. Тегишли равишда кўрсатиб ўтилган муассасаларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларда кексалар, ногиронлар, уруш ва меҳнат фахрийларига ёрдам кўрсатиш учун зарур шарт-шароитларни яратиш юзасидан чора-тадбирлар кўрилади.

Мехнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг қарори (*АВ томонидан 2011 йил 24 августда 740-1-сон билан рўйхатдан ўтказилган*) билан 16 ёшгача болалари бўлган оилаларга нафақалар тайинлаш ва тўлаш тартиби бўйича услубий кўрсатмаларга ҳужжатни амалдаги қонунчилик билан мувофиқлаштирувчи ўзгартиришлар ва қўшимча киритилди. Чунончи, ўзгартирилаётган ҳужжатнинг бутун матнидаги «16 ёшгача болалари бўлган оилалар» сўзлари «вояга етмаган болалари бўлган оилалар» сўзларига ўзгартирилди.

2011 йил 20 августдан 2 сентябргача бўлган даврда қабул қилинган меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қисқача шарҳларини «*Норма*» МЧЖ юрисконсульти Абдурахмон БАХТИЕВ тайёрлади.

### ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТЛАР ДИҚҚАТИГА

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2011 йил 24 августдаги 292-афсонли буйруғига асосан масъулияти чекланган жамият шаклидаги «DJAALI» аудиторлик ташкилотига 2008 йил 20 августда берилган 00709-сонли лицензиянинг амал қилиши 2011 йилнинг 24 августидан тугатилди.

Молия вазири ўринбосари  
М.МИРЗАЕВ.

Энди нафақа тайинлаш ҳақидаги аризалар барча оилалардан қабул қилинади (*олдин – болалар нафақаларини тўлашга маблағларнинг белгиланган лимити тўлиқ тугаганда янги келаётган аризаларнинг қабул қилиниши ва кўриб чиқилиши қўшимча маблағлар келиб тушганига қадар тўхтаиб турилган*). Бироқ нафақалар, аввалгидек, оиланинг бир аъзосига тўғри келадиган ўртача жами даромад фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан белгиланган оилаларни муҳтож оилалар қаторига киритиш мезонидан ошмайдиган оилаларгагина мавжуд маблағлар доирасида тайинланади. Нафақалар биринчи навбатда бир оила аъзосига тўғри келадиган энг кам жами даромадга эга оилаларга тайинланади.

Энди ҳужжатга мувофиқ вояга етмаган болаларга шунингдек умумтаълим мактаблари, академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларида таълим олаётган 16 ёшдан 18 ёшгача бўлган болалар ҳам киради.

2011 йил 3 сентябрдан кучга кирди.

### 30% ВА УНДАН ОРТИҚ АВАНС ТЎЛОВЛАРИ

Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 24 августдаги 241-сон қарори билан **Бюджетдан маблағ олувчиларнинг харид қилишда 15 фоиздан ортиқ миқдорда аванс тўлаши мумкин бўлган товарлар (ишлар, хизматлар)нинг турлари рўйхати тасдиқланди**. Рўйхат 20 турдаги товарлар, ишлар ва хизматлардан иборат. Чунончи, электр энергияси, мазут ёқилғиси, кўмир, пахта линти ва геология-қидирув ишлари учун аванс тўловлари миқдори 30 фоизни ташкил қилиши мумкин. Қолган 15 турдаги товарлар, ишлар ва хизматлар, шу жумладан шаҳар йўловчи транспортининг барча турлари учун ойлик йўл чипталари учун аванс тўловлари 100 фоиз миқдоридан тўланиши мумкин.

### ТАКСИ ХИЗМАТИГА ЖИҲОЗЛАР

Автомобиль ва дарё транспорти агентлигининг буйруғи (*АВ томонидан 2011 йил 19 августда 2256-сон билан рўйхатдан ўтказилган*) билан Йўналишсиз таксилар учун ҳисоблагичлар (таксометрлар) ва таниш белгиларини етказиб бериш бўйича юридик шахсларни танлов асосида танлаб олиш тартиби тўғрисидаги **низоми тасдиқланди**. Ҳужжат билан танлов комиссияси ишини ташкил этиш, танлов ҳужжатларини тайёрлаш, танлов иштирокчиларидан танловга доир таклифлар ва зарур ҳужжатларни қабул қилиш, келиб тушган танлов таклифларини баҳолаш, ғолибни аниқлаш ва натижаларни расмийлаштириш масалалари батафсил тартибга солинган.

2011 йил 29 августдан кучга кирди.

УШБУ  
СОҒДА

1-бет

Қонун ҳужжатларига  
қисқа шарҳ.

\$1 = 1739,47 сўм

2-бет

Саволларга экспертлар  
жавоб беради

€1 = 2520,71 сўм

3-6-бетлар

«Биз яшайган уй»да  
нима гап?

£1 = 2814,98 сўм

7-бет

Нотариал тасдиқланмаган,  
лекин кучга эга

¥10 = 226,64 сўм

## ЭКИХ ОШДИ. ИШ ҲАҚИ-ЧИ?

**?** Корхонамиз хўжалик ҳисобида ишлайди. Президентнинг Фармони билан ҳар гал бюджет ташкилотлари учун энг кам иш ҳақининг миқдори оширилганда биз ҳам ўз ходимларимиз иш ҳақини оширамиз. 2010 йил ўрталарида молиявий қийинчиликка учрадик. Шу муносабат билан раҳбарият ўз ходимлари иш ҳақини оширмасликка мажбур бўлди, бунда Президент фармонлари билан белгиланадиган энг кам иш ҳақи миқдорига риоя этилди.

Корхонамиз 2011 йилда текширганда текширувчилар бизга ходимларга иш ҳақини 2010 йил 1 августдан бошлаб 1,2 баравар ва 1 декабрдан бошлаб 1,1 баравар оширмаганлигимизни, бу эса Президентнинг 2010 йил 9 июлдаги ПФ-4224-сон ва 2010 йил 15 ноябрдаги ПФ-4253-сон фармонларини бузиш ҳисобланишини кўрсатдилар.

Президентнинг мазкур фармонларини тушунтириб берсангиз. Агар корхонамиз бюджет ташкилоти ҳисобланмаса, текширувчи органлар уларнинг қоидаларини тўғри талқин қиляптиларми? Обуначингиз.

– Президентнинг 2010 йил 9 июлдаги ПФ-4224-сон ва 2010 йил 15 ноябрдаги ПФ-4253-сон фармонлари билан (бундан кейин – Президент фармонлари) бюджет муассасалари ва ташкилотларининг ходимлари иш ҳақи, пенсиялар ва ижтимоий нафақалар, стипендияларнинг миқдорларини 2010 йил 1 августдан бошлаб ўртача 1,2 баравар, 2010 йил 1 декабрдан бошлаб эса ўртача 1,1 баравар ошириш назарда тутилган эди. Президент фармонларида энг кам иш ҳақи миқдорлари ҳам белгиланди (2010 йил 1 августдан бошлаб – 45 215 сўм, 2010 йил 1 декабрдан бошлаб – 49 735 сўм).

Президент фармонларига биноан хўжалик ҳисобидаги бирлашма, корхона ва ташкилотлар

ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва меҳнат сарфини камайитириш ҳисобида иш ҳақи миқдорини энг кам иш ҳақи мувофиқ оширадилар. Бизнингча, мазкур меъёр айтилган хўжалик юритувчи субъектларнинг ишлаб чиқаришининг самарадорлигини ошириш, меҳнат сарфини камай-

тириш ва бунинг ҳисобига ўз ходимларининг иш ҳақини ошириш зарурати деб талқин қилиниши керак. Президент фармонларида хўжалик ҳисобидаги бирлашмалар, корхоналар ва ташкилотлар ходимларининг иш ҳақини мажбурий равишда оширишни кўрсатадиган меъёрлар, бунинг устига бюджет

ташкilotлари учун амал қиладиган меъёрга ўхшаб бирор-бир аниқ белгиланган миқдор мавжуд эмас.

Тегишли тарзда, агар сиз бюджет ташкилоти бўлмаган сангиз, белгиланган ЭКИХга риоя этган ҳолда уларни оширмаслик Президент фармонларининг талабларини бузиш сифатида белгиланмаслиги керак.

Абдурахмон  
БАХТИЕВ,  
«Норма» МЧЖ  
юрисконсулти



## ЙЎЛ ВАРАҚАЛАРИ КИМЛАРГА КЕРАК

**?** Корхонамиз вагонлар, контейнерлар ва автотранспорт учун кулфлаш-пломбалаш қурилмаларини ишлаб чиқаради ҳамда кичик бизнес субъекти сирасига киради. Балансда 2 та энгил ҳамда «Газель» русумидаги 1 юк автомобили бор, улардан ўз ишлаб чиқаришимиз эҳтиёжлари учун фойдаланилади. Юридик ва жисмоний шахсларга хизмат кўрсатмаймиз.

Ушбу автомашиналар буйруқ билан бириктирилган ходимлар тегишли ҳужжатлар: ишончнома, суғурта полиси, техник паспорт билан таъминланганлар. Улар автотранспортнинг бут сақланиши учун моддий жавобгарлар ва унинг техник соҳа ҳолатда бўлишини таъминлайдилар.

Текширувлар чоғида назорат қилувчи органлар йўл варақаларини расмийлаштириш, мажбурий равишда тиббий кўрикдан ўтказиш, рейс олдида техник кўрикни амалга ошириш бўйича талаблар қўйишади. Бироқ бизнинг кичик корхонамизда ходимлар миқдори чекланганлиги сабабли, вазифалари доимий тусда бўлмаган бир қатор лавозимларни тутиб туриш биз учун норентабелдир.

1. Ташувчиларнинг юк автомобиллари учун йўл варақалари, товар-транспорт юкхатларини тайёрлаш, ҳисобга олиш, тўлдириш ва қайта ишлаш бўйича йўриқноманинг 6-бандига биноан шаҳар ичида ва шаҳар атрофида ташиш билан шугулланувчи, шунингдек ўз ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун юклар ташишни амалга оширувчи ташувчилар ТТЮни (товар-транспорт юкхатини) 1-т-сон намунавий шаклига мувофиқ расмийлаштирадилар. Корхонамиз ўзи ишлаб чиқарган юкларни (ярим тайёр маҳсулотларни) ўз цехидан пудратчиларнинг цехларига ташийти ва қайтариб олиб келади. Бу ҳолларда, бизнингча, товар-транспорт юкхати билан расмийлаштириш кифоя қилади.

Бироқ ЙХХДХ ва бошқа текширувчи органларнинг ходимлари йўлдаги текширув чоғида бир неча маротаба юк ташувчи хизмат автотранспортига йўл варақаларини расмийлаштиришни талаб қилдилар.

Шу муносабат билан савол туғилади: товар-транспорт юкхатидан ташқари, йўл варақасини расмийлаштириш зарурми? Текширувчи органларнинг уларни расмийлаштириш бўйича талаблари қанчалик қонуний?

2. Чипта-ҳисоб ва йўл варақаларини тўлдириш бўйича йўриқнома мулкчилик шаклидан қатъи назар, йўловчиларни автотранспортда шаҳар, шаҳар атрофи, шаҳарлараро, халқаро йўналишларда мунтазам ташийдиган юридик шахсларга татбиқ этилади. ЙХХДХ ходимлари йўллардаги текширув чоғида энгил хизмат автотранспортда йўл варақаларининг борлигини бир неча марта текширганлар. Балансда хизмат энгил автомобили бўлган, бироқ йўловчиларни ташиш хизматларини кўрсатмайдиган корхона юришлари учун ўз ходимларига йўл варақаларини расмийлаштириши керакми?

3. Агар автотранспорт воситаларини бошқарувчи ходимларнинг иши йўловчиларни ташиш билан боғлиқ бўлмаса, уларни тиббий кўрикдан ўтказиш талаб қилинадими?

Д.Ёқубов, бош директор.

– 1. Ташувчиларнинг юк автомобиллари учун йўл варақалари, товар-транспорт юкхатларини тайёрлаш, ҳисобга олиш, тўлдириш ва қайта ишлаш бўйича йўриқноманинг<sup>1</sup> (бундан кейин – 1382-сон Йўриқнома) 2-бандига биноан йўл варақалари бланкалари қатъий ҳисобот бланкаси ҳисобланади ҳамда юкларни ташишни амалга оширувчи автотранспорт воситалари ишини тавсифлайди. Йўриқнома уларнинг идоравий мансублигидан қатъи назар, юкларни автотранспортда ташишда банд бўлган юридик шахсларга татбиқ этилади. Бундан юк ташиш чоғида йўл варақаси зарур деган хулоса чиқади.

Бироқ мазкур меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатни бошқача талқин этиш ҳам мумкин. «Автомобиль транспорти тўғрисида»ги Қонун 2-моддасининг тўртинчи хатбошисига мувофиқ ташувчи – мулк ҳуқуқи ёки бошқа ашёвий ҳуқуқлар асосида автотранспорт воситасига эга бўлган, тижорат асосида йўловчилар, багаж, юклар ташиш хизматини кўрсатадиган ҳамда бунга махсус рухсатномаси (лицензияси) бўлган юридик ёки жисмоний шахс. 1382-сон Йўриқноманинг хатбошисига у «Автомобиль транспорти тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ ишлаб

чиқилган ва юкларни автотранспортда ташишларда ташувчиларнинг юк автомобиллари учун йўл варақалари, товар-транспорт юкхатларини тайёрлаш, ҳисобга олиш, тўлдириш ва қайта ишлаш тартибини белгилайди, деб айтилганлиги боис мазкур талаб фақат тижорат асосида юк ташиш хизматларини кўрсатадиган юк ташувчиларгагина татбиқ этилади деган хулоса чиқариш мумкин. 1382-сон Йўриқномани турлича талқин қилиш мумкинлиги сабабли уни тартибга солиш соҳасини янада аниқроқ таърифлаш мақсада мувофиқдир.

2. Сизнинг ҳолатингизда йўл варақасини расмийлаштириш зарурлигини қонун ташкилотининг ихтиёрига қолдиради. Бунда шунинг ҳисобга олиш лозимки, унинг борлиги аввало юридик шахсга керак, чунки йўл варақаси улар жойлашган жойдан чиқиши ва қайтиб келишига бўлган пайтда автомобиль ва ҳайдовчининг ҳисобини юритиш ҳамда улар ишини назорат қилиш имконини беради.

Йўл варақасининг мавжуд бўлиши тўғрисидаги талаб фақат:

1382-сон Йўриқномага мувофиқ юк ташувчилар;

Чипта-ҳисоб ва йўл варақаларини тўлдириш бўйича йўриқно-

мага<sup>2</sup> мувофиқ мулк шаклидан қатъи назар, автотранспортда йўловчиларни шаҳар, шаҳар атрофи, шаҳарлараро, халқаро йўналишларда мунтазам ташишни амалга оширувчи юридик шахсларнинг ҳайдовчилари;

Рухсатномалар, тарқатиш ведомостлари ва лимит китобчалари бўйича автотранспорт воситаларига ёнилги қуйиш учун нефть маҳсулотлари, суюлтирилган ва сиқилган табиий газни бериш қоидаларига<sup>3</sup> мувофиқ рухсатномалар, тарқатиш қайдномалари ва лимит китобчалари бўйича ёнилги қуйиш шартчалари хизматидан фойдаланувчи ташкилотларнинг ҳайдовчилари учунгина мажбурийдир.

3. Ҳа, талаб қилинади. Автомобиль ҳайдовчиларининг меҳнат гигиенаси бўйича санитария қоидалари (0204-06-сон ЎзР СанҚМ)<sup>4</sup> 7.11-бандига мувофиқ транспортга эга бўлган ташкилотларнинг маъмурияти Соғлиқни сақлаш вазирлигининг «Ходимларни ишга қиришдан олдин дастлабки ва даврий тиббий кўриклардан ўтказиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида» буйруғига<sup>5</sup> биноан ҳайдовчиларнинг мажбурий дастлабки ва вақти-вақти билан тиббий кўрикдан ўтишини таъминлаши керак. Мазкур Санитария қоидалари (0204-06-сон ЎзР СанҚМ) 1.2-бандига мувофиқ автомобиль транспортига эга бўлган барча корхоналар ва ташкилотлар учун мажбурийдир.


Елена ЕРМОХИНА,  
«Норма» МЧЖнинг ҳуқуқий масалалар бўйича эксперт-маслаҳатчиси.

- ✓ ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР
  - Янги ҳужжатларни тақдим этамиз **1-бет**
- ✓ ЮРИДИК МАСЛАҲАТЛАР
  - ЭКИХ ошди. Иш ҳақи-чи?
  - Йўл варақалари кимларга керак
  - Валюталар курси **2-бет**
- ✓ БИЗ ЯШАЙДИГАН УЙ
  - Ҳамма гап хабардор этиб туришда
  - Устав бўйича фаолият ва тадбиркорлик фаолиятдан даромадлар ҳамда харажатлар ҳисоби
  - Таваккалига иш тутмаган маъқул
  - Замоनावий электрон ҳисоблагичлар **3-6-бетлар**
- ✓ КАДРЛАР БЎЛИМИ
  - Муддатли шартнома муддатсизга айланиши мумкин
  - Кадр ўзгаришлари юз берганда
  - Касалхонада ёзилган васият **7-бет**
- ✓ РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР **8-бет**

### МДҲ ВА БОЛТИҚБЎЙИ МАМЛАКАТЛАРИ ВАЛЮТАЛАРИНИНГ АҚШ ДОЛЛАРИ, ЕВРО ВА РОССИЯ РУБЛИГА НИСБАТАН КУРСЛАРИ

Мамлакат	Сана	АҚШ доллари		Евро		Россия рубли	
		бирлиги	курси	бирлиги	курси	бирлиги	курси
Озарбайжон	8.09.2011	1	0,7865	1	1,1055	1	0,0267
Арманистон	8.09.2011	1	371,92	1	523,33	1	12,60
Беларусь	9.09.2011	1	5232,00	1	7358,28	1	177,35
Грузия	8.09.2011	1	1,6621	1	2,3354	1	5,6361
Қозоғистон	9.09.2011	1	146,90	1	206,76	1	4,98
Киргизистон	9.09.2011	1	45,1279	1	63,9553	1	1,5456
Латвия	9.09.2011	1	0,50	1	0,702804	1	0,0169
Литва	9.09.2011	1	2,4527	1	3,4528	10	8,3074
Молдова	8.09.2011	1	11,3484	1	15,9468	1	0,3843
Тожикистон	9.09.2011	1	4,7618	1	6,6984	1	0,1622
Ўзбекистон	6.09.2011	1	1739,47	1	2520,71	1	59,86
Украина	8.09.2011	100	797,27	100	1119,0482	10	2,7035
Эстония	31.12.2010	1	11,7107	1	15,6466	1	0,383246

Манба: www.prime-tass.ru



## МУНДАРИЖА:

- ✓ **Ҳамма гап хабардор этиб туришда**
- ✓ **Устав бўйича фаолият ва тадбиркорлик фаолиятидан даромадлар ҳамда харажатлар ҳисоби**
- ✓ **Таваккалига иш тутмаган маъқул**
- ✓ **Замонавий электрон ҳисоблагичлар**



## Бошқарув қоидалари

# ҲАММА ГАП ХАБАРДОР ЭТИБ ТУРИШДА

**Кўп қаватли уйда яшайдиганлар аксарият ҳолларда бошқарув раиси, аъзолари ёки хизмат кўрсатувчи ташкилот ХУМШ (БК) иши ҳақида ахборот беришдан бўйин товлайдилар деб нолиганлари нолиган. Умумий йиғилишлар ўтказилмаётган, квартира эгаларига қилинган ишлар тўғрисида, улардан йиғиб олинган маблағлар сарфиёти ҳақида ахборот берилмаётган жойларда мулкдорлар умумий мол-мулк таъминоти учун мажбурий бадаллар қай йўсинда шаклланиши, даромадлар ва харажатлар сметаси ва иш режасига нималар киритилиши ҳақида мутлақо тушунчага эга бўлмайдилар, албатта. Ишлар ўлда-жўлда бораётган ХУМШларда одатда шундай иш тутишади. Баъзан бошқача ҳоллар ҳам учрайди. Ширкат рисоладагидек ишлайди, аммо раҳбарият ўз фаолияти юзасидан ҳисобот берадиган умумий йиғилишга зўрлаб бўлса ҳам одам тўплаб бўлмайди. Аммо пулларимизни қаерга сарфлашди, уйимиз учун нималар қилинди деган саволлар кўпайиб қолади.**

Бундай ҳолларда квартира мулкдорлари одатда турли жойларга шикоят ёзишга тушадилар. Жавобдан дарак бўлмагач, уй хўжалиги яхшилик сари юз тутишига бўлган умидлари йўқола боради.

Аммо ХУМШ бошқаруви ёки раҳбари ширкат иши тўғрисидаги ҳужжатни ким талаб қилса, шунга бериши керакми деган саволга жавоб бор. «Хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкатлари тўғрисида»ги Қонуннинг<sup>1</sup> (бундан буён матнда Қонун деб юритилади) 4-моддасида назарда тутилганидек, ХУМШ фаолияти очиклик ва ошкоралик принципларига асосланади. Бошқача қилиб айтганда, ширкатнинг иши ҳақидаги ахборот пўлат сандиққа яшириб қўйилмаслиги лозим, ХУМШ аъзолари эътиборига, уларнинг та-

лабига мувофиқ етказилмоғи лозим. 200 киши яшайдиган кўп қаватли уйдагиларнинг ҳаммаси бўлмаса ҳам, ҳар икки ёки учтасидан бири ширкат бошқарувига учраб, ўзлари ҳам тузукроқ тушунмайдиган молиявий ҳужжатларни талаб қилишини дуруст иш деб бўлмайди, ахир. Бунақада ширкат раиси фақат саволларга жавоб қайтариб, ХУМШнинг молиявий фаолияти ҳақида ҳисобот беришдан боши чиқмай қолади. Шу сабабли Қонунда ширкат тўғрисида одамларга умумий йиғилишларда ахборот бериш назарда тутилган. Бошқарувнинг мунтазам равишда ҳисобдорлиги, унинг фаолиятига оид муҳим масалалар ХУМШ аъзоларининг умумий йиғилишида тасдиқланиши бошқарув фаолиятининг очик-ошкоралигини, уй аҳлининг ширкат раҳ-

бариятига бўлган ишончини таъминлайди.

Молия-хўжалик фаолиятини ХУМШ тафтиш комиссияси томонидан текшириш йўли ҳам бор. Ширкат бошқаруви бу комиссияга унинг талабига кўра ҳар қандай ҳужжатни тақдим этиши шарт. Ширкат аъзоларининг умумий йиғилиши бу ишга аудиторлик ташкилотини жалб этишга ҳақли.

Баъзан шундай ҳам бўладики, ширкатда бошқарув ишламайди, тафтиш комиссияси ширкат раисига тамомила қарам, йиғилишлар қоғоздагина ўтказилади. Ўзгаришлар бўлиши, айтайлик, улардан бири катта ХУМШ таркибидан чиқиб мустақил ширкат ташкил этиши учун ХУМШ иши ҳақидаги ҳужжатларни қай тартибда олиш мумкин? Муайян уйнинг аввалги ХУМШ таркибидан

<sup>1</sup>Тахририят ихтилоfli вазиятларни ҳал қилишда иштирок этмайди ва уларни ечишга кўмаклашиш ваколатига эга эмас. 2006 йил 12 апрелдаги ЎРҚ-32-сон Қонун.





ажралиб чиқиши тўғрисидаги қарор умумий йиғилишда кўпчилик овоз билан қабул қилинади. Борди-ю, шундан кейин ҳам ХУМШ раҳбарияти ташаббускор гуруҳга ёки янги бошқарувга ҳужжатларни бермайдиган бўлса, прокуратура ёки судга мурожаат этиш керак.

Ширкат иши тўғрисида квартира эгаларини бошқача усул билан ҳам хабардор қилса бўлади. Масалан, квартира мулкдорлари ўртасида ёзма ҳисоботлар тарқатиш мумкин. ХУМШ фаолияти тўғрисидаги ахборотларни махсус стендларга қўйиб, мунтазам равишда янгилаб борса ҳам бўлади.

<sup>2</sup>1996 йил 26 апрелдаги 221-1-сон Қонун.

Қилинган ишлар ҳақида қисқача ҳисобот бериш билан бир вақтда сўров ўтказиш яхши натижа беради. Бундай сўров асносида одамларнинг ХУМШ иши ҳақидаги фикри, унинг фаолиятини яхшилашга оид таклифлари, бу ишда шахсан иштирок этиш имкониятлари аниқланади. Норасмий мулоқотдан ҳам қочмаслик керак. Айтайлик, уй аҳли Наврўзга бағишланган байрам дастурхони атрофида йиғилганда уй ҳолатини янада яхшилаш ҳақида гаплашиб олиш мумкин – нималар ва қай йўсинда қилиш ҳақида фикрлашув дўстона оҳангда ўтади. Бошқача вазиятда баҳс-мунозара ва ҳатто низога сабаб бўладиган кўпгина масалалар чой устида ҳал бўлади-қўяди.

Агар уйга техник хизмат кўрсатиши билан бошқарувчи компания шуғулланаётган бўлса, бундай ҳолларда ширкат ўз аъзоларининг, турар жой мулкдорларининг манфаатларини ифодалайди. Улар номидан БК билан хизмат кўрсатиш ҳусусида шартнома тузади. Бошқарув ташкилоти ширкатга ёки алоҳида бир квартирага хизмат кўрсатиш тўғрисида ахборот бермаслиги «Истеъмомчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя этиш тўғрисида»ги Қонуннинг<sup>2</sup> 4-моддаси талабларини бузиш сифатида баҳоланади ва бошқарувчи компанияни судга бериш учун асос бўлади. **❶**

**Ирина ГРЕБЕНЮК,**  
мухбиримиз.

## УСТАВ БЎЙИЧА ФАОЛИЯТ ВА ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИДАН ДАРОМАДЛАР ҲАМДА ХАРАЖАТЛАР ҲИСОБИ

**?** *Хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатининг асосий (устав) ва тадбиркорлик фаолияти бўйича даромадлари ҳамда харажатларининг бухгалтерия ҳисобини қандай юритиш тўғрисида маълумот беринг. ХУМШ бухгалтерии.*

– Низом (устав) ва тадбиркорлик фаолияти бўйича даромадлар ва харажатларни ҳисобга олиш тартиби 1-сон БҲМС «Ҳисоб сиёсати ва молиявий ҳисобот»<sup>1</sup> талабларига мувофиқ ташкилотнинг ҳисоб сиёсатида белгиланиши керак. Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи ХУМШ **асосий ва тадбиркорлик фаолияти бўйича алоҳида-алоҳида ҳисоб** юритиши шарт.

Солиқ кодексига (бундан кейин – СК) мувофиқ ХУМШлар нотижорат ташкилоти сифатида асосий устав фаолияти бўйича солиқ тўловчилар бўлиб ҳисобланишмайди. Тегишинча, кўп квартиралар уйлардаги турар жой ва нотурар жойларнинг мулкдорларидан тушадиган аъзолик бадаллари сингари тушумларга ХУМШ даромади сифатида қаралмайди, улар балки мақсадли тушумлар ҳисобланади ва 8830-«Аъзолик бадаллари» ҳисобварағи кредити бўйича акс эттирилади.

Ҳар ойнинг охирида асосий фаолият бўйича харажатлар ҳисобининг барча ҳисобварақлари мақсадли тушумлар ҳисоби ҳисобварақларида ёпилади (8830-ҳисобварақ билан корреспонденцияланади). Ушбу ҳолда бухгалтерия ёзувлари қуйидагича бўлади:

Асосий фаолият бўйича барча харажатлар 8830-ҳисобварақ дебетида ҳисобдан чиқарилади, бироқ янада аниқроқ ҳисоб юритиш учун уларни алоҳида ҳисобварақларда калькуляциялаш мумкин. Ана шу мақсадларда ҳисобварақларнинг иш режасига ҳисобварақларнинг алоҳида гуруҳини киритиш мумкин, масалан, 2200-«Устав фаолияти бўйича харажатлар ҳисобига доир ёрдамчи ҳисобварақлар»ни харажатлар турига боғлиқ ҳолда ҳисобварақлар бўйича ажратган ҳолда:

2210-«Ишлаб чиқариш харажатлари» ҳисобварағи – қурилиш материаллари, ижтимоий суғуртага ажратмалар билан ишчиларнинг иш ҳақи, асосий фондлар амортизацияси ва ҳоказо;

2220-«Маъмурий харажатлар» ҳисобварағи – ХУМШ раисининг ва бухгалтернинг иш ҳақи;

2230-«Бошқа операцион харажатлар» ҳисобварағи – банк хизматларига ҳақ тўлаш ва ҳоказо.

<i>Низом (устав) фаолияти доирасида ХУМШ харажатлари ва тушумларининг ҳисоби</i>		
	<i>дебет</i>	<i>кредит</i>
<b>ХУМШ бадалларининг ҳисоби</b>		
Бадаллар тўлаш бўйича ХУМШ аъзоларининг қарздорлиги акс эттирилди	4890-«Бошқа дебиторларнинг қарзлари»	8830-«Аъзолик бадаллари»
Бадаллар тўлаш акс эттирилди	5000-«Кассадаги пул маблағлари»; 5100-«Ҳисоб-китоб рақамидаги пул маблағлари»	4890-«Бошқа дебиторларнинг қарзлари»

<sup>1</sup>МВ томонидан тасдиқланган, АВ томонидан 1998 йил 14 августда 474-сон билан рўйхатдан ўтказилган.

**Низом (устав) фаолияти доирасида ХУМШ харажатлари ва тушумларининг ҳисоби**

	<i>дебет</i>	<i>кредит</i>
<b>ХУМШ харажатлари ҳисоби</b>		
ХУМШнинг асосий фаолияти билан боғлиқ, ишлаб чиқариш тусидаги харажатлар акс эттирилди	2210-«Ишлаб чиқариш харажатлари»	1000-«Материаллар»; 6710-«Меҳнат ҳақи бўйича ходим билан ҳисоблашишлар»; 6520-«Мақсадли давлат жамғармаларига тўловлар»; 0200-«Асосий воситаларнинг эскириши»; 6010-«Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган ҳисобварақлар» ва ҳоказо
Маъмурий-бошқарув ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш ва Пенсия жамғармасига ягона ижтимоий тўлов харажатлари акс эттирилди	2220-«Маъмурий харажатлар»	6710-«Меҳнат ҳақи бўйича ходим билан ҳисоблашишлар»; 6520-«Мақсадли давлат жамғармаларига тўловлар»
ХУМШнинг бошқа харажатлари (банк хизматларига ҳақ тўлаш ва ҳоказо) акс эттирилди	2230-«Бошқа операцион харажатлар»	6990-«Бошқа мажбуриятлар»; 6010-«Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган ҳисобварақлар» ва ҳоказо
ХУМШнинг асосий фаолияти бўйича харажатлар ҳисобдан чиқарилган	8830-«Аъзолик бадаллари»	2210-«Ишлаб чиқариш харажатлари»; 2220-«Маъмурий харажатлар»; 2230-«Бошқа операцион харажатлар»

ХУМШнинг Низомга кўра уни барпо этиш мақсадига мувофиқ келмайдиган ҳар қандай фаолият тадбиркорлик фаолияти ҳисобланади. Одатда ХУМШ кўшимча равишда аҳоли ёки юридик шахсларга пулли хизматлар кўрсатиш, масалан, қурилиш чиқиндиларини олиб чиқиб кетиш, уяли алоқа компаниялари антенналарини жойлаштириш учун жойни ижарага бериш, ертўлаларни ижарага бериш ва ҳоказолар билан шуғулланади.

Тадбиркорлик фаолияти бўйича ХУМШ умумбелгиланган солиқлар: фойда солиғи, ҚҚС, мақсадли жамғармаларга ажратмалар ва СКнинг 23-моддасида кўрсатилган бошқа солиқ тўловларини тўлаши керак. Тадбиркорлик фаолияти бўйича солиқ мажбуриятларининг тўғри ҳисоб-китобини таъминлаш учун ХУМШ солиқ солиш объектлари ва солиқ солиш билан боғлиқ объектларнинг бухгалтерия ҳисобини ҳар бир солиқ тури бўйича алоҳида-алоҳида юритиши шарт (СКнинг 42-моддаси).

Шуни ҳисобга олиш лозимки, ХУМШ СКнинг 199-моддасига мувофиқ ҚҚС солинадиган оборотлар бўйича тадбиркорлик фаолиятига доир ҚҚС тўловчиси ҳисобланади. У ҚҚСни ҳисоблаб ёзиши ва унинг суммасини ҳисобварақ-фактурада хизматлар харидори (буюртмачи)га, хизматлар кимга – жисмоний ёки юридик шахсга кўрсатилганидан қатъи назар, кўрсатиши керак. Харид қилинган, ҚҚС солинадиган оборотларда фойдаланиладиган

товарлар (ишлар, хизматлар) бўйича ҳисобварақ-фактурада кўрсатилган ҚҚС суммаси СКнинг 218-моддаси билан белгиланган тартибда ҳисобга қабул қилинади.

Тадбиркорлик фаолияти бўйича даромадлар ва харажатлар ҳисобда даромадлар ва харажатлар ҳисобининг тегишли ҳисобварақларидан фойдаланган ҳолда акс эттирилиб, кейин молиявий натижа белгиланади. Агар ХУМШ хизматлар кўрсатса, даромадни (яъни ҚҚС чегирилган ҳолда тушумни) 9030-«Ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатишдан даромадлар» ҳисобварағи кредити бўйича 4010-«Харидорлар ва буюртмачилардан олинadиган ҳисобварақлар» ҳисобварағи билан корреспонденцияда акс эттириши керак.

Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ харажатлар ҳисобда Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида низомда<sup>2</sup> келтирилган классификацияга мувофиқ акс эттирилади:


ишлаб чиқариш таннархига киритилadиган харажатлар (моддий харажатлар, меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари, ишлаб чиқариш тусидаги бошқа харажатлар) – 2010-«Асосий ишлаб чиқариш» ҳисобварағида;

бошқарув харажатлари (маъмурий харажатлар) – 9420-«Маъмурий харажатлар» ҳисобварағида;

бошқа операцион харажатлар ва зарарлар – 9430-«Бошқа операцион харажатлар» ҳисобварағида ва бошқалар.

Бунда шуни ҳисобга олиш лозимки, фойда солиғини ҳисоб-китоб қилиш мақсадида харажатларнинг бошқа тарзда гуруҳлаш белгиланган (СКнинг 141-147-моддалари).

ХУМШ харажатлари (ишлаб чиқариш, маъмурий ёки бошқа) низомдаги ҳамда тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ бўлиши мумкинлиги боис ушбу харажатларни бевосита ёки мутаносиб усул билан ажратиш керак. Масалан, агар ҳар бир ўтказила-



<sup>2</sup>ВМнинг 1999 йил 5 февралдаги 54-сон қарори билан тасдиқланган.

← диган операциядан банк хизматларига ҳақ тўла-са, харажатларни дарҳол ҳисоб-китоб рақамидан кўчирмага асосан бевосита низомдаги ва тадбиркорлик фаолиятига тақсимлаш мумкин.

Ҳисобга олишнинг мутаносиб усулида харажатлар реализация қилишдан олинган соф тушумнинг умумий суммасидаги фаолиятнинг муайян турлари бўйича реализация қилишдан олинган соф тушум улушига мутаносиб тарзда шу муайян фаолият турига киритилади (СКнинг 42-моддаси). ХУМШда бухгалтер ёки ХУМШ раисининг меҳнатига ҳақ тўлаш харажатлари мутаносиб усул билан тақсимланиши мумкин. Масалан, чорак учун бадаллар тарзидаги тушумлар суммаси 2 400 минг сўмни ташкил қилди, тадбиркорлик фаолиятдан соф тушум эса (ҚҚС чегирилган ҳолда тушум) – 600 минг сўм, яъни умумий сумманинг 20%идир (600 / 3 000 × 100). Агар бухгалтернинг иш ҳақи 200 минг сўмни ташкил қилса, тадбиркорлик фаолияти бўйича харажатларда 40 минг сўм (200 × 20%) ҳисобга олинади.

## Реклама



ЭКСПЕРТ МАЪЛУМОТНОМА ТИЗИМИ

### АМАЛИЙ БУХГАЛТЕРИЯ

Харид қилиш масалалари бўйича куйидагиларга мурожаат қилинг:

Тошкент ш., М.Улугбек тумани, Х.Олимжон майдони, 10а-уй.  
Тел.: (998 71) 237-07-78, тел./факс:(998 71) 237-45-29.  
E-mail: info@norma.uz, web:www.norma.uz

2010-«Асосий ишлаб чиқариш» ҳисобварағида ҳисобга олинган харажатлар 9130-«Бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматларнинг таннархи» ҳисобварағи дебетида ҳисобдан чиқарилади.

### Тадбиркорлик фаолияти доирасида ХУМШ харажатлари ва даромадларининг ҳисоби


	дебет	кредит
Ишлаб чиқариш тусидаги, ХУМШнинг тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ харажатлар акс эттирилди (ишчилар иш ҳақи ва Пенсия жамғармасига ягона ижтимоий тўлов, материаллар, эскириш, чет ташкилотларнинг хизматларига ҳақ тўлаш ва ҳоказо)	2010-«Асосий ишлаб чиқариш»	1000-«Материаллар»; 6710-«Меҳнат ҳақи бўйича ходим билан ҳисоблашишлар»; 6520-«Мақсадли давлат жамғармаларига тўловлар»; 0200-«Асосий воситаларнинг эскириши»; 6010-«Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган ҳисобварақлар» ва ҳоказо
Тадбиркорлик фаолиятига тўғри келадиган маъмурий-бошқарув ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш ва Пенсия жамғармасига ягона ижтимоий тўлов харажатлари акс эттирилди	9420-«Маъмурий харажатлар»	6710-«Меҳнат ҳақи бўйича ходим билан ҳисоблашишлар»; 6520-«Мақсадли давлат жамғармаларига тўловлар»
ХУМШнинг бошқа харажатлари (банк хизматларига ҳақ тўлаш ва ҳоказо) акс эттирилди	9430-«Бошқа операцион харажатлар»	6990-«Бошқа мажбуриятлар»; 6010-«Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган ҳисобварақлар» ва ҳоказо
Ишларни бажаришдан (хизматлар кўрсатишдан) даромад акс эттирилди	4010-«Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган ҳисобварақлар»	9030-«Ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатишдан даромадлар»
Бажарилган ишлар (кўрсатилган хизматлар)нинг ҳақиқатдаги ишлаб чиқариш таннархи ҳисобдан чиқарилди	9130-«Бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматларнинг таннархи»	2010-«Асосий ишлаб чиқариш»
ҚҚС ҳисоблаб ёзилди	4010-«Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган ҳисобварақлар»	6410-«Бюджетга тўловлар бўйича қарз (турлари бўйича)»
ва ҳоказо		

Тадбиркорлик фаолияти бўйича молиявий натижа (фойда ёки зарар) 9910-«Якуний молиявий натижа» ҳисобварағида шакллантирилади, у 8710-«Ҳисобот йилининг тақсимланмаган фойдаси (қопланмаган зарари)» ҳисобварағи билан корреспонденцияда ёпилади. Олинган фойда ХУМШнинг низом мақсадларига ёки кейин

низом мақсадларида сарфлаш учун унинг махсус жамғармаларига йўналтирилиши, яъни мақсадли вазифага кўра ҳам фойдаланилиши сабабли, уни мақсадли тушумлар таркибига (масалан, 8890-«Бошқа мақсадли тушумлар» ҳисобварағига) киритиш мумкин.

**ХУМШнинг тадбиркорлик фаолияти бўйича молиявий натижани шакллантириш ва ёпиш**

	<i>дебет</i>	<i>кредит</i>
Тадбиркорлик фаолиятдан олинган даромадлар ҳисоби ҳисобварақларини ёпиш	9030	9910
Ишлар, хизматлар таннари ҳисоби ҳисобварақларини ёпиш	9910	9130
Асосий фаолиятдан бошқа даромадлар ҳисоби ҳисобварақларини ёпиш*	9310-9390	9910
Давр харажатлари ҳисоби ҳисобварақларини ёпиш	9910	9410-9440
9810 ва 9820-ҳисобварақларни ёпиш	9910	9810 9820
Тадбиркорлик фаолиятдан олинган соф тушум акс эттирилган	9910	8710
Тадбиркорлик фаолиятдан олинган тушум мақсадли тушумларга йўналтирилди	8710	8890

\*СКнинг 132-моддасига кўра нотижорат ташкилоти сифатида ХУМШнинг бошқа даромадларига солиқ солинмайди, бундан қўшма фаолиятда иштирок этишдан даромадлар, дивидендлар, фоизлар ва роялти мустасно. 

**Ольга РАХМАТУЛЛИНА,**  
**«Norma Expert» эксперти.**



## Криминалист эксперт ён дафтаридан

# ТАВАККАЛИГА ИШ ТУТМАГАН МАЪҚУЛ

**Курилиш-техника экспертизаси кўпинча қурувчиларнинг касб фаолиятига тааллуқли муаммоларни очиб беришдан ташқари ижтимоий-иқтисодий масалаларга ҳам аниқлик киритади. Айтайлик, кўп квартиралар уйда қаватлараро ихота тўсиқларининг бутлиги ёки квартирани қайта режалаштиришда қурилиш нормаларига риоя қилиш шу уйда яшовчи кишиларнинг хавфсизлиги масаласи билан боғлиқ бўлса, объект қийматини ошириб кўрсатиш ёки иш бажаришда техника хавфсизлиги қоидаларини бузиш умуман олганда жамият ҳуқуқий ҳимояланганлигининг муҳим қирраларидан бири саналади. Баъзан қурилишда (айниқса ўзбошимчалик билан қурилишда), бино ва иморатларни таъмирлаш ва реконструкция қилишда нормалар ва қоидалар бузилганлиги билан боғлиқ суд ишларида ҳал қилувчи охириги сўз суд йўналишидаги қурувчи экспертларга боғлиқ бўлади.**

Х.Сулаймонова номидаги Республика суд экспертизаси марказининг қурилиш-техника экспертизаси бўлими амалиёти шундан шохидлик берадики, ўзбошимчалик билан қурилган иморатга эгалик ҳуқуқини суд тартибида эътироф этиш, кўп қаватли уйдаги квартираларни ўзбошимчалик билан қайта режалаштириш ёки қайта жиҳозлашни қонунлаштириш билан боғлиқ экспертизаларга бўлган талаб-эҳтиёж ортиб бормоқда. Бу ҳол ўзбошимчалик билан қурилган иморатларга бўлган мулк ҳуқуқи тўғрисидаги, квартираларда қурилиш ёки қайта режалаштириш ишларини талаб даражасида олиб бормаслик оқибатида турар жой биноларига, квартираларга етказилган моддий зарарнинг сабаблари ва ҳажми ҳақидаги фуқаролик низоларини ҳал

этиш қурилиш-техник йўналишда махсус билим талаб қилиши тақозосидир. Хўжалик ишларини суд тартибида юритишда ҳам шунга ўхшаш вазият юзага келмоқда. Бинобарин, хўжалик судларининг вазифаларидан бири тадбиркорлик ёки бошқа иқтисодий фаолият олиб бораётган, шу жумладан қурилиш соҳасида шу иш билан шуғулланаётган шахсларнинг бузилган ёки низолашилаётган ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишдан иборатдир.

Қурилиш-техника экспертизасининг хулосалари судларга ва тергов органларига шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари бузилганлиги тўғрисидаги, бадавлат кўшни қурган «қаср» ёнидаги ер участкаларини қуёшдан ва ёруғликдан тўсиб қўйганлиги тўғрисидаги, кўп квартиралар уйлар-

да реконструкция қилиш ва капитал таъмирлашда бинонинг сейсмик чидамлилиги ёки конструкцияларнинг пишиқлигига путур етказилганлиги ҳақидаги, таъмирлаш ва қурилиш ишлари технологияси бузилганлиги натижасида уй-жой фондига шикаст етганлиги ҳақидаги ишларни тергов қилиш ва кўриб чиқишда ёрдам бермоқда.

### **ЎЗБОШИМЧАЛИК БИЛАН ҚУРИЛГАН ИМОРАТЛАР**

Бугунги кунда ўзбошимчалик билан қуриш, реконструкция қилиш, қайта режалаштириш долзарб мавзу бўлиб қолди. Буларнинг келиб чиқишига, биринчидан, кўчмас мулк билан боғлиқ ишлар ва ҳаракатлар ҳақида ҳуқуқий билимлар



← паст даражада эканлиги ёки умуман йўқлигидир. Уйни (квартирани) мулк қилиб ёки сотиб олган кўпгина фуқаролар ўз дидларига қараб, уни ўзгартириш тарддудига тушиб қоладилар, кўшимча қурилишлар қилишади, қайта режалаштиришади. Буларнинг ҳаммаси уй эгалари ва ҳатто кўшнилари учун анча оғир оқибатлар келтириб чиқариши ҳам мумкин. Иккинчидан, рухсат берувчи ва лойиҳа ҳужжатларини олиш механизми анчагина мураккаб эканлиги кўчмас мулк объектларини ўзбошимчалик билан қуриш, реконструкция қилиш, ўзгартиришга сабаб бўлмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 212-моддасига биноан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қурилиш мақсадлари учун ажратилмаган ер участкаларида, шунингдек иморат қуриш учун зарур рухсатнома олмасдан ёки архитектура ва қурилиш нормалари ҳамда қоидаларини жиддий бузган ҳолда қурилган уй-жой, бошқа бино, иншоот ёки ўзга кўчмас мулк ўзбошимчалик билан қурилган иморат ҳисобланади. Ўзбошимчалик билан иморат қурган шахс унга мулк ҳуқуқини ололмайди. Бунда қурилиш дейилганда янги шаҳарсозлик объекти тикланишигина эмас, балки истифода этилаётган уй-жойни реконструкция, реставрация қилиш, капитал таъмирлаш, ўзгартириш, шунингдек корхоналарни кенгайтириш ва техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш ҳам тушунилади.

Ўзига тегишли ёки унга ажратилган участкадаги илгари бузиб ташланган (бузилиб кетган) иморат ўрнига янги турар жой қуришни, кўчмас мулк объекти мақоми ёки саҳни ўзгартиришга сабаб бўладиган даражада қайта режалаштиришни ҳам ўзбошимчалик билан иморат қуриш деб ҳисоблаш мумкин. Ана шу таърифдан келиб чиқилса, ҳар қандай шаклдаги ўзбошимчалик билан олиб борилган қурилишнинг салбий оқибатлари у билан боғлиқ барча ҳолларда юзага келиши аён бўлади.

Ўзгага қарашли ер участкасида кўчмас мулк объекти қуриш кам учрайдиган ҳодиса эмас. Ижарадор кўчмас мулкни мулкдор билан келишмай туриб, реконструкция қиладиган ҳоллар ҳам кўп учрайди. Уларнинг сабаби ҳар хил. Ҳуқуқий механизмларнинг мураккаблиги ва бир хил талқ-

ин этилмаслиги шундай сабаблардан биридир. Ер участкаси ажратилишига эришиш учун қурилиш лойиҳасини келишиб олиш, рухсат берувчи ва назорат қилувчи органларнинг вакиллари билан узоқ мулоқот олиб бориш зарур. Баъзи фуқароларнинг қонунга риоя этишдан кўра уни айланиб ўтишга уриниши ҳам бунда ўзини сездириб туради.

Ўзбошимчалик билан қурилган иморатни амалдаги қонун ҳужжатларимиз фуқаролик ҳуқуқлари объектлари сирасига киритмайди. Бу мазкур иморатни мулкый муомалага жалб этишга йўл қўйилмайди демак. Ўзбошимчалик билан қурилган иморатнинг олди-сотди, ҳады, ижарага бериш битимлари ёки уни бошқа йўсинда тасарруф этишга оид битимлар ҳақиқий эмас. Ҳаққоний бўлмаган тарзда эгаллаб олинган участкада жойлашган, ўзбошимчалик билан тикланган иморатни сотиб олиш муддати ҳам эътиборсиз. Бу тақиқни бузиш тузилган битим ҳақиқий эмаслигининг асосларидан бири бўлиб хизмат қилади.

Ўзбошимчалик билан иморат қуриш дея малакаланган ҳуқуқбузарлик ё ер тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг қурилиш учун ер участкалари ажратиш тўғрисидаги нормаларини ёки лойиҳалаш ва қурилишни тартибга солувчи шаҳарсозлик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари нормаларини бузиш тарзида мужассам бўлади. Иморатни ўзбошимчалик билан қурилган деб ҳисоблаш учун ана шу нормалардан биттаси бузилганлигининг ўзи кифоя. Бундай иморат уни қурган шахс томонидан ёки унинг ҳисобидан бузиб ташланиши керак, қонунда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Бизнинг экспертлик амалиётимизда шундай воқеа бўлган эди. А. деган фуқаро Тошкент шаҳридаги фуқаролик ишлари бўйича Учтепа туманлараро судига Бўзсув соҳилида ўзбошимчалик билан қурилган чойхонани мулк ҳуқуқида деб эътироф этиш ҳақидаги даъво аризаси билан мурожаат этди. Бу иш турли суд инстанцияларида бир неча марта кўрилди. Иш юзасидан бир неча қурилиш-техника экспертизаси тайинланди ҳамда ўтказилди. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати А. деган фуқаронинг Тошкент шаҳар судининг фуқаролик ишлари бўйича судлов

ҳайъати раёсатининг қарори устидан берган кассация шикоятини кўриб чиқди (Тошкент шаҳар судида ўзбошимчалик билан қурилган иморатни бузиб ташлаш керак деб қарор чиқарилган эди) ҳамда «Иморат ер участкасида тегишли рухсатномасиз ҳамда қонунда белгиланган тартибда келишиб олинган ва тасдиқланган лойиҳа ҳужжатлари бўлмаган ҳолда барпо этилганлиги ва бу ҳол ер участкаси мулкдорининг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини бузиши муносабати билан суд бу иморат бузиб ташланиши керак деб тўғри эътироф этган» деган қарор чиқарди. Турли инстанция судлари бундай қарор қабул қилишида Марказимиз қурувчи экспертларининг хулосаси ҳам асос бўлди.

Яна бир мисол. Д. деган шахс фуқаролик ишлари бўйича Мирзо Улугбек туманлараро судига Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва М. деган фуқарога нисбатан пойтахт ҳокимининг қурилган кўп қаватли турар жойда савдо комплекси барпо этиш тўғрисидаги қарорини бекор қилиш ҳақидаги даъво билан мурожаат қилди. Бу иш ҳам турли инстанция судларида такрор-такрор кўрилди. Бош прокуратуранинг протести асосида Олий суд савдо комплексини бузиб ташлаш ҳақида куйи суд чиқарган қарорни қўллаб-қувватлади. Бундай тўхтама келишда қурувчи экспертларнинг хулосаси ҳам муҳим роль ўйнади. Ана шу хулосада қайд этилганидек лойиҳа бўлгани ҳолда комплекснинг барпо этилиши шаҳарсозлик нормалари талабларига мувофиқ келмайди, бинобарин жамоат манфаатларини бузади ва бузиб ташлаш учун асос вазифасини ўтайди.

### ҚАЙТА РЕЖАЛАШТИРИШ УЧУН ҲАМ БИЛИМДОН БЎЛИШ КЕРАК

Психологлар квартирада бир йилда камида бир марта нарсаларнинг жойини ўзгартириб туриш керак, ҳеч бўлмаганда йўлакка тўшалган пойандозни ўзгартириб туриш лозим деб ҳисоблайдилар. Эҳтимол аввалига квартиранинг режадаги тузилиши сизнинг кўнглингиздагидек шинам уй ҳақидаги тушунчангизга жила тўғри келмас. Одамнинг диди ҳар хил. Баъзиларга студияга ўхшаш квартира ёқса, бошқалар оиланинг ҳар бир

аъзосига алоҳида жой ажратилишини маъкул кўришади. Яна кимлардир болалиқдан квадрат ва тўғри бурчакларни хуш кўрмайди, шу боис уй бурчаксиз бўлишини истайди. Хуллас, ҳар ким уй кўриниши унинг дидига мос бўлишини истайди.

Бундай кезларда гоё-фикр туғилишининг ўзи биринчи босқич саналади. Бунда ҳали сарф-харажат ҳақида ўйлаб ҳам кўрилмаган бўлади, ўзингизчи нималарнидир режалаштириб, хаёлан мебелларни янги тарзда жойлаштириб чиқасиз.

Таассуфки, квартирани қайта режалаштириш учун ҳожатхонани собиқ омборхонага, ошхонадаги идиш ювиладиган қурилмани собиқ ҳожатхонага кўчиришнинг ўзи кифоя эмас. Ўзбошимчалик билан қилинган бундай ишлар уй қулаб тушишигача бўлган оғир оқибатлар келтириб чиқариши мумкин.

Шу сабабли техник хулосага асосланган лойиҳани тайёрлаш режангизнинг иккинчи босқичи бўлиб қолиши керак. Шу пайтдан эътиборан мутахассисларни жалб этиш лозим, чунки бугунги кунда мазкур соҳа кенг кўламдаги қонун ҳужжатлари билан расамадга солинади, табиийки, профессионал бўлмаган одам уни тушуниб олиши қийин.

Хизматларга буюртма бераётганда қоралама лойиҳа тайёрлашни (экспертлик амалиёти бу билан кифояланиб қолмаслик зарур деб ҳисоб-

лайди) лойиҳа ва техник хулосани ишлаб чиқиш билан адаштириб юбормаслик керак. Зотан турар жойингизни реконструкция қилишни режалаштиришда қўшни квартираларда содир этилган қайта режалаштириш оқибатида бинога путур етказилганлигини ҳам эътиборга олиш, аниқ технологик ечимлар, монтаж схемаларини кўриб чиқиш лозим. Техник хулоса айна шу томонга тегишли баҳо беради, чунки мутахассис муҳандис хулосани конструкцияларни ва бинони текшириб чиқиш асосида беради, тиргакли ва тиргаксиз деворларни қайд этади, булар эса келгусида жуда-жуда асқотади.

Лойиҳа эски квартирада амалга оширилиши, лозим бўлган ўзгаришларни акс эттирувчи ҳужжат бўлиб, заруратга қараб муҳандислик коммуникацияларига янги боғланишларни ва боғламалар ҳисоб-китобларини қамраб олган бўлади. Лойиҳада амал қилиб турган қурилиш, санитария-гигиена ва фойдаланиш-техника нормалари инобатга олинади. Лойиҳа муҳандислик тармоқларини ишлатувчи ташкилотлар билан келишиб олинган бўлиши лозим.

Билимдонлик билан, тўла-тўқис тайёрланган ҳужжатлар (квартира конструкциялари текширилганлиги ҳақидаги техник хулоса, ишчи лойиҳа, келишувлар) қайта режалаштиришдаги ютуқни 90 фоиз таъминлайди. Улар вақтингизни тежаш, ўзингиз ва қўшниларнинг асабини асраш, яна

бир эътиборли жиҳати чўнтакдаги пулингизни тежаш имконини беради.

Лойиҳалаштиришдан олдин квартирада нималарни ўзгартириш мумкину нималарни ўзгартириш қатъиян мумкин эмаслигини аниқлаб олиш зарур.

#### **Куйидаги ишларни қилиш мумкин:**

ҳожатхона билан ваннахона ўртасида тўсиқ бўлса, уни олиб ташлаб ҳожатхонани ваннахона билан бирлаштириш;

йўлак ёки омборхона саҳни ҳисобидан санузелни кенгайтириш;

ошхона билан хоналардан бири ўртасидаги тўсилманинг бир қисмини олиб ташлаш ҳисобига овқатланиш мумкин бўлган ошхона ташкил этиш;

тўсиғини олиб ташлаб, иккита ва ундан кўпроқ хонани битта хона қилиб бирлаштириш;

шкафни янги ҳисабга жойлаштириш, омборхонани ўзгартириш.

#### **Куйидаги ишларни қилиш мумкин эмас:**

вентиляция қамровини камайтириш ёки уни бузиб олиш;

кувурларни деворга «яшириш»; ошхона ҳисобидан санузелни ёки санузел ҳисобидан ошхонани кенгайтириш;

санузелни турар жой хонасига ўтказиш;

бинонинг тиргак конструкциялари пухталигига зарар етказиш ёки уларни бузиш;

қайта режалаштириш ишлари билан бинонинг сирт тарафи кўринишини бузиш;

ёнғинга қарши қурилмани бузиш; муҳандислик коммуникациялари ва ўчириб қўйиладиган қурилманинг ёнига боришни қийинлаштириш;

иссиқ ва совуқ сув таъминоти, иситиш, канализация ва газ таъминоти қувурларини кўчириш (булар уйнинг «тахликали зоналари» ҳисобланади ва уларнинг бир қисмига етказилган ҳар қандай шикаст бутун тизимга таҳдид солади);

уйдаги (квартирадаги) яшаш шaroитини ёмонлаштириш;

хонани табиий ёритиш ва иситишдан маҳрум қилган ҳолда жиҳозлаш.

Муҳандислик тармоқлари бўйича иш бошлашдан аввал қайта режалаштириш лойиҳасини ёнғин назорати ва санитария-эпидемиология назорати хизматлари,



← энергия ресурсларини етказиб берувчилар билан келишиб олиш даркор. Бунга сира беэтибор бўлмаслик керак. Яшаш жойингизни шинам қилиш йўлидаги ҳаракатларингиз билан қўшниларга, баъзан эса бутун уйга заҳмат етмаслиги учун ҳам шундай қилиш керак.

Бугунги кунда қайта режалаштириш фаолияти устидан назорат кучайтирилган. Шу сабабли бу борада мустақил ҳаракат қилмоқчи бўлсангиз, судма-суд юриш, қўшнилар билан жанжаллашиш, жарималар тўлаш сингари кўнгилсиз ҳодисалар бўлмаслигини ўйлаб кўринг.

Экспертлик амалиётидан битта мисол келтирамиз. Тошкент шахрининг фуқаролик ишлари бўйича Миробод туманлараро судида Туркия фуқароси М. даъвоси бўйича иш кўриб чиқилди. У тўққиз қаватли уйдан квартира сотиб олган бўлиб, квартирасини «евростандартлар»га мувофиқ ҳолга келтирмоқчи бўлган. Шу мақсадда таянч девор панелларини ўйиб «жакузи» ваннасини ўрнатган, унитазни қават йўлагига – ахлат ташланадиган қувурга яқинроқ жойга олиб ўтган. Қўшимча равишда иссиқ сув олиш учун сифими 200 литрли сув иситгич ўрнатган. Қурилма бир гал тунда те-

шилиб пастга сув оққан (пастдаги квартирада ўша пайтда ҳеч ким бўлмаган), кейинроқ унинг юқори қопқоғи консерва банки мисол отилиб, қайнаб турган сув шовуллаб оқиб туша бошлаган. Юзига иссиқ томчи тушганидан қўшни дарҳол уйғониб кетган. Табиийки, ўша жойнинг ўзида суриштириш бошланган, оқибат судга бориш билан тугаган. (Тўққизинчи қаватдаги бу квартирада содир этилган қайта режалаштириш учун, тушунган бўлсангиз, рухсат олинмаган). Ҳаммасини асл ҳолига келтиришдан ташқари бошқа квартира эгаларига етказилган зарарни ҳам қоплашга тўғри келди.

Қўшниларикига сув силқиб ўтиши ўзбошимчалик билан қилинган қайта қуришнинг бирдан бир оқибати эмас. Уйларнинг таянч деворларини «тешиб кўпориб ташлаш» уйнинг қулаб тушишига сабаб бўлиши мумкин. Жаҳонда, афсуски бунга тааллуқли мисоллар оз эмас. 2010 йил 26 мартда Москвадаги бир уйда иккинчи ва учинчи қават ўртасидаги тўсилманинг бир қисми қулаб тушган. Ўзбошимчалик билан қилинган қайта қуриш туфайли уйдаги пол ўпирилиб кетган. 2010 йил 13 августда Саратов шаҳрида савдо мар-

кази қулаб, 14 кишини босиб қолди, уларнинг 7 нафари шифохонага ётқизилди. Фойда кетидан қувиш оқибатида ўтган асрнинг 50-йилларида қурилган бу бинонинг мулкдори ва ижарадори одамларнинг хавфсизлигини «унутиб» қўйган ва бинодан фойдаланиш қоидаларини, қайта режалаштириш тартибларини бузишган. Капитал таъмирлаш ишлари таянч конструкцияларини текшириб кўрмасдан ўтказилаверган.

Сейсмик жиҳатдан хавфли зонада (Ўзбекистоннинг каттагина қисми шунга киради) кўп қаватли уйларда қайта режалаштириш иши билан ҳазиллашиб бўлмайди – бу жуда хавфли, одамлар ҳаёти учун тузатиб бўлмас оқибатлар келтириб чиқариши ҳам мумкин. Шу сабабли квартирадаги яшаш шароитингизни янада яхшилаш ниятида бўлсангиз-у бу иш қўшниларга зарар етказмаслигига ишончингиз комил бўлмаса, ниятингиздан воз кечиб қўя қолганингиз маъқул. Бу соҳада таваккалчилик билан иш қилмаслик керак. ○

**Галина СЕРГЕЕВА,**

**Х.Сулаймонова номидаги Республика суд экспертизаси марказининг қурилиш-техника экспертизаси бўлими мудири.**

## ЗАМОНАВИЙ ЭЛЕКТРОН ҲИСОБЛАГИЧЛАР

**Самарқанд шаҳрида аҳоли хонадонларига фойдаланилган электр энергиясини юқори аниқликда ҳисоблайдиган замонавий электрон ҳисоблагичлар ўрнатилмоқда.**

Мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган коммунал хизмат сифатини ошириш, маҳсулот етказиб берувчи ва истеъмолчи ўртасидаги муносабатларни тегишли ҳуқуқий меъёрлар асосида ташкил этиш ҳамда мавжуд ресурслардан самарали фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, электр энергиясидан тежамкорлик билан фойдаланиш, кўрсатилган хизмат ҳақининг ўз вақтида тўланишини таъминлаш мақсадида соҳага илғор технологиялар жорий этилаётир. Электр энергияси ҳақини олдиндан тўлаган ҳолда ундан фойдаланиш имконини берадиган янги ҳисоблагичлар шулар жумласидандир.

– Пойтахтимиздаги «Электрон ҳисоблагич» Ўзбекистон – Хитой қўшма корхонасида тайёрланаётган «DDSY283» русумли бу ускуна бир қатор афзалликларга эга, – дейди «Самарқанд электр тармоқлари» очик акциядорлик жамияти электр ҳисоблагичлар лабораторияси мудири Хуршид Шарипов. – Ушбу ҳисоблагичларда электр энергияси статик усулда, яъни электрон импульслар орқали аниқ ҳисобланади. Истеъмолчи тўловни шу ҳисоблагичнинг ўзидан фойдаланган ҳолда пластик карточка орқали амалга оширади.

Ўтган йили мазкур ҳисоблагичлар Жомбой туманидаги

иккита маҳалла хонадонларига тажриба сифатида ўрнатилиб, хизмат кўрсатиш ва тўлов янги усулда амалга оширилган эди. Натижада ҳудудда электр энергияси истеъмоли 30-35 фоизга тежалди, ҳақи ўз вақтида тўланди.

Янги ҳисоблагичлар айна пайтда Самарқанд шаҳридаги олти маҳалладаги аҳоли уйларига ўрнатилмоқда. Ҳозиргача уч мингдан зиёд хонадон замонавий ҳисоблагич орқали электр энергиясидан баҳраманд бўлмоқда.

– Янги турдаги ҳисоблагичлар бир қатор қулайликларга эгаллиги билан бизга манзур бўлди, – дейди Фарҳод шаҳарчасида яшовчи Акрам Бўриев. – Ҳар ким электр энергиясидан ўз эҳтиёжига яраша, тежаб-тергаб фойдаланаётир. Тўловни ҳам ўз вақтида амалга оширмоқдамиз.

**ЎЗА.**



## МУДДАТЛИ ШАРТНОМА МУДДАТСИЗГА АЙЛАНИШИ МУМКИН

**?** **Юридик шахс (норезидент) ўз фаолиятини Президентнинг 2009 йил 22 декабрдаги ПҚ-1245-сон қарори б-бандига мувофиқ доимий муассаса орқали амалга оширади. Ўзининг ҳисоб-китоб рақамига эга, иш ҳақи тўлаш, солиқлар ва мажбурий тўловларни ажратиш ва бошқа транзакцияларни амалга оширишга ҳақли. У ходимларнинг лавозим ва вазифаларидан қатъи назар, Ўзбекистон фуқаролари билан муддатли меҳнат шартномаларини тузган. Бу Меҳнат кодекси 76-моддасининг талабларига қанчалик мувофиқ келади?**  
**У.Абдуллаев.**

– Меҳнат кодексининг (бундан кейин – МК) 76-моддасига мувофиқ муддатли меҳнат шартномалари:

бажарилажак ишнинг хусусияти, уни бажариш шартлари ёки ходимнинг манфаатларини ҳисобга олган тарзда, номуайян муддатга мўлжалланган меҳнат шартномаларини тузиш мумкин бўлмаган ҳолларда;

корхона раҳбари, унинг ўринбосарлари, бош бухгалтер билан, корхонада бош бухгалтер лавозими бўлмаган тақдирда эса, бош бухгалтер вазифасини бажарувчи ходим билан;


қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда тузилиши мумкин.

Олий суднинг 1998 йил 17 апрелдаги Пленуми 12-сон қарорига<sup>1</sup> мувофиқ ходим билан муддатли меҳнат шартномасини тузишга қуйидаги ҳолатлар мавжудлигида йўл қўйилиши мумкин:

– **бажариладиган ишнинг тафсилоти.** Унга кўра бажариш ҳодим олинган ишни маълум бир муддат ўтгандан кейин объектив сабабларга кўра давом эттиришнинг имкони бўлмаслиги ол-

диндан маълум бўлганда, яъни, у муддатли характерга эга бўлади;

– **ишни бажариш шартлари.** Бунда ишнинг ўзи доимий характерга эга бўлса-да, уни бажаришнинг шартлари ходим билан номуайян муддатга меҳнат шартномаси тузишга тўсқинлик қилади (масалан, қонун ҳужжатларига мувофиқ ходимнинг иш жойи ва



бошқалар сақланадиган меҳнат ва ижтимоий таътиллarda бўлган вақтига бошқа ходимни ишга қабул қилиш ва ҳоказо);

– **ходимнинг манфаатлари.** Яъни, у ёки бу ҳолатларга кўра муддатли меҳнат шартномаси тузилиши ходимнинг манфаатларига асосланган бўлганда.

Хатингиз маъносидан келиб чиқилганда муддатли меҳнат шартномалари ходимларнинг лавозими ва вазифаларидан қатъи назар тузилган. Бундай ёндашув юқорида саналган талабларга риоя этилмаслигига олиб келиши ва бунинг оқибатида муддат тўғрисидаги шарт ҳақиқий эмас деб топилиши, ходим эса биринчи иш кунидан номуайян муддатга қабул қилинган деб ҳисоблашга олиб келиши мумкин. Бироқ сизнинг тузилган шартномаларнинг

МК талабларига мувофиқлиги тўғрисидаги саволингизга аниқ-равшан жавоб бериб бўлмайди, чунки, биринчидан, сиз хатда қабул қилинган ходимларнинг аниқ лавозимлари ва вазифаларини кўрсатмагансиз, иккинчидан, низо бўлган тақдирда мазкур масала фақат суд тартибида ҳал этилиши мумкин.



**Ишлаб чиқариш зарурати муносабати билан қуйидаги кадр ўзгаришлари амалга оширилди. Биринчи бўлимдаги лавозим қисқартирилиб, унинг ўзи иккинчи бўлимда хизмат вазифаларини қисман ўзгартириш ва тўлдириш билан жорий этилади. Бунда номи, разряди ва иш ҳақи аввалгидек қолади.**

**Қисқартирилаётган лавозимда болани парваришлаш таътилга чиқиб кетган ходима қайд этилган, унинг ўрнига эса вақтинча бошқа ходим қабул қилинган.**

**Мазкур вазиятда кадр ўзгаришларини қандай қилиб тўғри расмийлаштириш керак?**

Корхона юристи.

## КАДР ЎЗГАРИШЛАРИ ЮЗ БЕРГАНДА

– Аввалига бу нарса бошқа ишга ўтказиш ёки ишлаб чиқариш зарурати муносабати билан меҳнат шароитлари ўзгариши эканлигини аниқлаб олиш керак.

Меҳнат кодекси (бундан кейин – МК) 92-моддасининг биринчи қисмига кўра бошқа доимий ишга ўтказишга (ходимнинг меҳнат вазифаларини ўзгартиришга) – унга бошқа мутахассислик, малака, лавозимга оид ишни топширишга **фақат унинг розилиги билан** йўл қўйилиши мумкин. Масалан, агар илгари лавозим «юрист» деб аталган, ҳозир эса хизмат вазифалари бир оз ўзгартирилиб, «юрисконсульт» деб аталса, бу нарса бошқа ишга ўтказиш деб ҳисобланиши мумкин эмас. Бироқ агар юрист, мисол учун, менежерга «айланиб», унинг вазифаларига шартномалар тузиш ва сотишлар бўйича иш кирса, бу нарса бошқа ишга ўтказиш бўлиб, уни фақат ходимнинг розилиги билан амалга ошириш мумкин.

Шу сабабли агар сизда бошқа ишга ўтказиш бўлса, иккала ходимнинг: болани парваришлаш таътилида бўлган ва ҳозирги вақтда унинг ўрнида ишлаётган ходимларнинг ёзма розилигини олиш лозим. Кейин эса уларнинг меҳнат шартномаларига тегишли ўзгартиришлар киритиш керак, шулар асосида иш берувчининг ходимларни бошқа доимий ишга ўтказиш тўғрисидаги буйруғи расмийлаштирилади (МК 96-моддасининг биринчи қисми).

Агар ходимлар сонининг ўзгаришига технологиядаги, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишдаги ўзгаришлар (ишлаб чиқариш зарурати ҳужжат билан тасдиқланиши керак) олиб келадиган бўлса, **иш берувчи ходимнинг розилигисиз** меҳнат шартларини ўзгартиришга ҳақлидир (МК 89-моддасининг биринчи қисми). У меҳнат шартларидаги бўлажак ўзгаришлар ҳақида ходимни камида икки ой олдин ёзма равишда огоҳлантириб тилхат олиши шарт. Кўрсатилган муддатни қисқартиришга фақат ходимларнинг розилиги билан йўл қўйилади. 2 ой ўтгач ёки ходимлар ушбу муддатни қисқартиришга ёзма розилик берган тақдирда, меҳнат шартномаларига ўзгартиришлар киритиш ва тегишли буйруқ чиқариш лозим.

Агар ходим бундай ўзгаришларга рози бўлмаса, унга корхона бошқа иш таклиф этиш ва унинг янги меҳнат шартларида ишлашни давом эттиришдан бош тортиши муносабати билан у билан меҳнат шартномасини бекор қилиб, ўртача ойлик иш ҳақи миқдоридан ишдан бўшатиш нафақасини тўлаш мумкин.

Мария ТУХТАРОВА, «Нотта» МЧЖнинг юрисконсулти.

## КАСАЛХОНАДА ЁЗИЛГАН ВАСИЯТ

### ЁКИ НОТАРИАЛ ТАСДИҚЛАНГАН ҲУЖЖАТЛАРГА ТЕНГЛАШТИРИЛГАН ВАСИЯТНОМА ВА ИШОНЧНОМАЛАР ҲАҚИДА

**Мавзунинг ёритишдан олдин «васиятнома» ва «ишончнома» деган тушунчаларни газетхонларимизга яна бир бор эслатиб ўтмоқчиман. Васиятнома – фуқаронинг ўзига тегишли бўлган мол-мулкни ёки бу мол-мулкка нисбатан ҳуқуқини ўзи вафот этган тақдирда бошқа шахсга ўтказиш хусусидаги хоҳиш-истак билдирилган ҳужжат. Ишончнома эса бир шахс (ишонч билдирувчи) томонидан иккинчи шахсга (ишончли вакилга) учинчи шахслар олдида вакиллик қилиш учун берилган ёзма ваколат.**

Газетхонларимиз яхши билишади – ушбу ҳужжатлар нотариал идораларда расмийлаштирилади. Лекин ҳаётда шундай шароитлар бўладими, айрим сабабларга кўра ҳар доим ҳам ушбу ҳужжатларни нотариал идораларда тасдиқлаш имкони бўлмайди. Шунинг учун ҳам қонунчиликда нотариал тасдиқланган ҳужжатларга тенглаштирилган васиятномалар ва ишончномалар деган тушунчалар киритилган.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 136 ва 1126-моддалари ҳамда «Нотариат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 26-моддасига мувофиқ қуйидагилар нотариал тасдиқланган васиятномалар ва ишончномаларга тенглаштирилади:

– касалхоналарда, госпиталларда, бошқа стационар даволаш муассасаларида даволанаётган ёки қариялар ва ногиронлар уйларида яшаётган фуқароларнинг ушбу касалхоналар, госпиталлар ва бошқа даволаш муассасаларининг бош шифокорлари, уларнинг тиббиёт бўйича ўринбосарлари

ёки навбатчи шифокорлари, шунингдек госпиталларнинг бошлиқлари, қариялар ва ногиронлар уйларининг директорлари ва бош шифокорлари томонидан тасдиқланган васиятномалари;

– Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи остида сузиб юрган кемаларда сафарда бўлган фуқароларнинг шу кемаларнинг капитанлари томонидан тасдиқланган васиятномалари;

– қидирув экспедицияларида ёки шунга ўхшаш бошқа экспедицияларда бўлган фуқароларнинг шу экспедициялар бошлиқлари томонидан тасдиқланган васиятномалари;

– ҳарбий хизматчиларнинг ҳарбий қисмлар жойлашган, нотариуслар бўлмаган пунктларда эса, шу қисмларда ишловчи ҳарбий хизматчи бўлмаган шахсларнинг, улар оила аъзоларининг ҳамда ҳарбий хизматчилар оила аъзоларининг ҳарбий қисмларнинг командирлари томонидан тасдиқланган васиятномалари ва ишончномалари, автомобилотранспорт воситаларини бош-

қариш ва тасарруф этиш ҳақидаги ишончномалар бундан мустасно;

– озодликдан маҳрум этиш жойларидаги ёки қамоқдаги шахсларнинг тегишли муассасалар бошлиқлари томонидан тасдиқланган васиятномалари ва ишончномалари, автомобилотранспорт воситаларини бошқариш ва тасарруф этиш ҳақидаги ишончномалар бундан мустасно;

– госпиталларда, санаторийларда ва бошқа ҳарбий-даволаш муассасаларида даволанаётган ҳарбий хизматчиларнинг ҳамда бошқа шахсларнинг шу муассасаларнинг бошлиқлари, уларнинг тиббиёт қисм бўйича ўринбосарлари, катта ва навбатчи шифокорлари томонидан тасдиқланган ишончномалари, автомобилотранспорт воситаларини бошқариш ва тасарруф этиш ҳақидаги ишончномалари бундан мустасно.

Шу ўринда юқорида санаб ўтилган васиятнома ва ишончномаларни тасдиқлаш ҳуқуқига эга бўлган мансабдор шахслар таркиби кенгайтириб талқин этилишига йўл қўйилмаслигини таъкидлаб ўтиш жоиздир.

Бундан ташқари, даволаш муассасаларида даволанаётган ёки қариялар ва ногиронлар уйларида яшаётган, қидирув ёки шунга ўхшаш бошқа экспедицияларда бўлган фуқаролар, ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари васиятномалар ва ишончномаларни тасдиқлаш масалалари бўйича умумий асосларда давлат нотари-

ал идораларига мурожаат этиш ҳуқуқига эга эканликларини унутмаслик керак.

Васиятнома ва ишончномалар мансабдор шахс томонидан тасдиқланганда бунинг учун давлат божи ундирилмайди.

Фуқароларимиз эътиборини яна бир масалага қаратмоқчиман. Васиятнома мансабдор шахслар томонидан икки нусхада тузилади ва тасдиқланади. Унинг бир нусхаси васият қилувчига берилади, иккинчи нусхаси эса васият қилувчи доимий яшайдиган жойдаги мерос расмийлаштириладиган давлат нотариал идорасига сақлаш учун ўн кун муддат ичда юборилади.

Агар васият қилувчининг Ўзбекистон Республикасида доимий яшаш жойи бўлмаса ёки унинг доимий яшаш жойи номаълум бўлса, васиятнома Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги белгилайдиган давлат нотариал идорасига юборилади.

Юқорида қайд этилган васиятнома ва ишончномаларни тасдиқлаш тартиб-қоидаларига келсак, айрим ўзига хос хусусиятларини инобатга олганда, улар худди нотариал идораларда ўрнатилганидек тартибда амалга оширилади. Нотариал тасдиқланган ҳужжатларга тенглаштирилган васиятнома ва ишончномаларни тасдиқлаш ҳуқуқига эга мансабдор шахсларга ушбу борада фаолият юритишда нотариусларга қўйиладиган талаблар ҳамда жавобгарлик қонунда назарда тутилган.

**Мавлюда МАНСУРОВА,**  
**Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани 7-сонли давлат нотариал идораси катта нотариуси.**

**КУРИЛИШ МАТЕРИАЛЛАРИНИНГ УЛГУРЖИ САВДОСИ**  
CHILONZOR SAVDO UYI

**ЦЕМЕНТ**  
Битум, рубероид

Алебастр, бўр, оҳак  
Кальций карбиди  
Электродлар  
ПВА елими,  
дурадгорлик КМЦ елими  
Суолтиргич эритгич 649  
Куруқ қурилиш аралашмалари (гипсли, цементли)  
Эмаллар, локлар,  
бўёқлар, алифмой  
Шпатлёвка  
Линолеум  
Саморезлар 32.5176  
Махсус кийим-бош ассортименти

Химия каскалари  
Респираторлар  
Хўжалик моллари  
Қурилиш миҳлари 32-120  
Сетка-рабица  
Гипсокартон  
Кум, шағал  
Шифер  
Қурилиш анжонлари  
Кетмонлар, болталар,  
катта болгалар, ломлар  
Белкураклар (тиғли, куракли)  
Ёзув-чизув товарлари  
Русланган пўлатдан  
профиллар

МУВАФФАҚИЯТГА ЭРИШИШНИНГ КУЛАБ ИШЛАЙМИЗ!

ШУНИНГДЕК 300 ДАН Ортиқ номланишдаги бошқа маҳсулотлар

8-371-140-00-12 Тошкент ш., Бунёдкор кўч., 42  
8-371-140-04-12 chsu.torg@mail.ru

**“Интеграл стар” ХК таклиф қилади**

**ЕҒОЧ-ТАХТА МАТЕРИАЛЛАРИ**

ассортиментда

Хизматлар лицензияланган

Тўлов - исталган шаклда

Тел. 303-16-46, факс 274-66-77

## Рўйхатлар

Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2011 йил 5 сентябрдаги 10-1108/13490-сонли ҳал қилув қарорига асосан Шайхонтоҳур туманидаги “Yangi davr kinosi” МЧЖ банкрот деб эътироф этилди ва тугатишга оид ишлар бошланди. Мазкур корхона бўйича тугатиш бошқарувчиси этиб Шайхонтоҳур туман ДСИ ходими А.Қодиров тайинланган. Ушбу корхонага тегишли муҳр ва бурчак штамплари бекор қилинади. Корхонага алоқадор шахс ва корхоналарнинг муружаатлари 2 ой давомда куйидаги манзилда қабул қилинади: Тошкент ш., Шайхонтоҳур тумани, 100011, А.Навоий кўчаси, 7а-уй, 307-306-хоналар.  
Тел. 241-30-86.

\*\*\*

Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2011 йил 27 июлдаги 10-1117/11483(21)-т-сонли ҳал қилув қарорига асосан Юнусобод туманидаги “IMEXIM SAVDO UYI” кўшма корхонаси бўйича тугатиш ишлари бошланган. Мазкур корхонанинг думалоқ муҳр ва бурчак тамгалари, шунингдек Давлат рўйхатига олинганлиги тўғрисидаги гувоҳномалари ва барча таъсис ҳужжатларининг асл нусхалари бекор қилинади. Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой давомда Тошкент шаҳар ҳокимининг маҳкамаси ҳузуридаги корхоналарни тугатиш бўйича доимий ишловчи шаҳар махсус комиссияси томонидан қабул қилинади. 2 ой мобайнида даъво билан Тошкент шаҳар махсус тугатиш комиссиясига муружаат қилинмаган ҳолда корхоналар белгиланган тартибда Давлат реестридан чиқарилади.

\*\*\*

**Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2011 йил 28 августдаги ажримига асосан Олмазор туманидаги банкрот деб иш юритиш ва кузатув жараёни бошланган корхоналар РЎЙХАТИ**

Корхона номи	Ажрим рақами	Муваққат бошқарувчи
“Profi Plast Invest Plus” МЧЖ	10-1107/14483	У.Исроилова
“Baxt Amet Servis” МЧЖ	10-1107/14508	Б.Хайтбоев

Мазкур корхоналар кредиторларининг 1-йиғилиши 2011 йил 30 сентябрь куни соат 14.30 да Тошкент ш., Қорасарой кўчаси, 269-уй, Олмазор туман ДСИ биносининг 111-хонасида бўлиб ўтади. Мазкур кредиторлар йиғилишига кредитор қарздорлик бўйича талаблар қабул қилинади. Банкротлик иши юзасидан суд мажлиси муҳокамаси 2011 йил 7 октябрь куни соат 10.00 да Тошкент шаҳар хўжалик суди биносидан (Тошкент ш., Чўпон ота кўчаси, 6-уйда) 3-суд мажлислар залида кўриб чиқилади.

**«AMIR-AUDIT» МЧЖ**  
аудиторлик ташкилоти

28.03.2008 йилдаги 00642-сон лицензия  
Ушбу АВнинг 12.01.2005 йилдаги 991-сон гувоҳномаси

Ўзбекистоннинг бутун ҳудудда барча хўжалик юритувчи субъектларда аудиторлик текширувларини амалга оширади

Бухгалтерия ҳисоботи ва баланс тузиш

САР ва СІРА сертификатларига эга бўлган аудиторлар ишга таклиф этилади

Тел. (+99897) 409-04-23, 296-55-78 факс (8371) 296-52-15

ТОВАРЛАР ВА ХИЗМАТЛАР БИЗНЕС ПАНОРАМАСИ

**TOP**

237-51-33  
237-47-20  
237-47-05

ЭНГ ЯХШИСИНИ ТОП!

Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий Ассоциацияси  
Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотларини қўллаб-қувватлаш Фонди

**НОДАВЛАТ НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТЛАР ИЖТИМОЙ ШЕРИКЛИГИНИНГ ЭНГ ЯХШИ НАМУНАСИ УЧУН ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ**

Танловга нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, тадбиркорлик субъектлари билан мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий сиёсати, ижтимоий-сиёсий ривожланиш дастурларини ишлаб чиқишда, ижтимоий муаммоларни ҳал этиш, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларни қўллаб-қувватлаш ва шу каби ижтимоий аҳамиятга молик бошқа масалалар бўйича муҳим давлат дастурларини амалга оширишда ўзаро ҳамкорлигини очиб берадиган материаллар қабул қилинади.

Танловда иштирок этиш учун куйидаги йўналишлар бўйича материаллар қабул қилинади:

- демократик қадриятлар, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш;
- фуқароларнинг ўз салоҳиятини рўёбга чиқариши, уларнинг ижтимоий-иқтисодий фаоллиги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш учун шароитлар яратиши;

- соғлиқни сақлаш соҳасида, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, аҳолини, айниқса, ёшларни иш билан таъминлаш, ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларни қўллаб-қувватлаш ва шу каби ижтимоий аҳамиятга молик бошқа масалалар бўйича муҳим давлат дастурларини амалга ошириш.

Танловда иштирок этиш учун куйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

1. Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотларини қўллаб-қувватлаш Фондига кузатув хати;
2. Фонднинг расмий сайтыда ([www.ngo.uz](http://www.ngo.uz)) кўрсатилган талабларга мувофиқ ННТларнинг амалга оширган ижтимоий шериклиги хусусидаги материал.
3. Ташкилотнинг рўйхатдан ўтганлиги ҳақидаги гувоҳнома нусхаси;
4. Ташкилот низоми нусхаси (ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган бўлса, ташкилотнинг муҳри билан тасдиқланган бўлиши шарт);
5. Ташкилотнинг алоқа маълумотлари, юридик манзили, телефон, факс ва сайт манзили.

**Ғолиблар куйидагича тақдирланади:**

- биринчи ўрин – **нетбук;**
- иккинчи ўрин – **шахсий компьютер;**
- учинчи ўрин – **рақамли фотоаппарат**

Ҳужжатлар мазкур эълон оммавий ахборот воситаларида чоп этилган кундан бошлаб, 2011 йил 10 ноябрь соат 16.00 гача қабул қилинади.

Танловда давлат рўйхатидан ўтган нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, тадбиркорлик субъектлари иштирок этиши мумкин.

Танловда иштирок этиш учун юбориладиган ҳужжатлар конвертда (А4 формат) куйидаги манзилга жўнатилиши лозим: Тошкент шаҳри, 100047, Амир Темур шоҳкўчаси, 14-уй. Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотларини қўллаб-қувватлаш Фонди. Бунда хатнинг почта штемпелида жўнатиш муддати инобатга олинади. Ҳужжатларни шахсан топширувчилар Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотларини қўллаб-қувватлаш Фондига ҳар куни соат 9.00 дан 17.00 гача, шанба ва яқшанбадан ташқари муружаат этишлари мумкин.

Барча ҳужжатлар Times New Roman 14 шрифти билан тўлдирилади.

Танловнинг ўтказилиш шартлари билан Фонднинг [www.ngo.uz](http://www.ngo.uz) сайтыда танишиш ҳамда қўшимча маълумотлар учун Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотларини қўллаб-қувватлаш Фондининг ижроия аппаратида муружаат қилиш мумкин.  
(тел.: 233-52-41, 233-18-54).

**ЭЪЛОНЛАР**

СОТИЛАДИ	БАҲОЛАШ ХИЗМАТЛАРИ	УЧУН ҲУЖЖАТЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ.
Сергели туманидаги саноат базаси сотилади. Тел. 233-96-74.	Баҳолаш ва бизнес-режалар*. Тел. 430-56-00.	Тел.: 233-74-95, 233-17-56, 236-76-46.
ЮРИДИК ХИЗМАТЛАР	АУДИТОРЛИК ХИЗМАТЛАРИ	Компьютерларни таъмирлаш, шахсий компьютерларга техник хизмат кўрсатиш. Windows, дастурий таъминот ва Интернет ўрнатиш ва созлаш. Жойига чиқиш билан. Тел.: (+998 93) 577-44-56. Михаил.
Кўчмас мулк бўйича юрист маслаҳатлари. Кадастр*. Тел. 448-74-69.	Аудиторлик, бухгалтерия хизматлари*. Тел.: 370-63-06, 263-77-29.	Қурилиш-таъмирлаш ва пардозлаш ишлари. Тел.: 244-86-80, 244-86-79.
«ADVOKAT ELITE». Судларда вакиллик қилиш. Корхоналар, ваколатхоналарни рўйхатдан ўтказиш, қайта ташкил этиш, тугатиш ва уларга юридик хизмат кўрсатиш*. Тел.: 281-52-39, 448-74-69.	ХИЗМАТЛАР	Сметаларни жорий нархларда тузиш. Турар жой ва жамоат биноларини лойиҳалаштириш*. Тел.: 244-86-80, 244-86-79.
	Электр ускуналарни ишга тушириш-созлаш, профессионал синашлар. Трансформаторларни ўрнатиш ва таъмирлаш ва ҳоказо. Тел. 407-78-67.	<b>*Хизматлар лицензияланган.</b>
	Ташкилотлар учун компьютер ва маиший техникани ҳисобдан чиқариш	

Иқтисодий-ҳуқуқий газета

**НОРМА МАСЛАХАТЧИ**

ХУҚУҚ  
СОЛИҚЛАР  
БУХГАЛТЕРИЯ

БОШ МУҲАРРИР  
ФАРҲОД КУРБОНБОЕВ

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:  
Тошкент ш., Миробод тумани,  
Таллимаржон кўч., 1/1  
E-mail: gazeta@norma.uz,  
normapress@mail.ru  
www.norma.uz

ТАЪСИСЧИ «Norma Hamkor» МЧЖ

Газета 2006 йил 26 декабрда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида рўйхатга олинди.  
Рўйхат рақами 0074.

Нашр учун масъул:  
Нодир Алимов

Муаллифлар фикри доим ҳам таҳририят нуқтаи назарига мос келвермайдими.  
Таҳририят муштарийлар билан ёзишиб туриш имкониятига эга эмас.  
“Norma маслаҳатчи” да эълон қилинган материалларни тўлиқ ёки қисман кўчириб босиш, электрон ва бошқа манбаларда кўпайтириш, тарқатишга фақат “Norma” МЧЖ билан тузилган шартнома асосида йўл қўйилади.

Газета таҳририят томонидан тайёрланган диапозитивлар ёрдамида “ТОПРИНТ” МЧЖ босмахонасида босилди (Тошкент ш., Миробод тумани, Таллимаржон кўч., 1/1).  
Индекс – 186 Буюртма 1207 Алади 3900. Баҳоси келишилган нархда  
Газета 2011 йил 9 сентябрда соат 18.00 да топширилади.  
ISSN 2010-5223